

ЯНГИҲАЁТ: ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА
ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ИЖОБАТИПрезидент Шавкат Мирзиёев маҳаллалар ҳаёти, саноат лойиҳалари билан
танишиш мақсадида 18 февраль куни Тошкент шаҳрининг
Янгиҳаёт туманида бўлди.

Янгиҳаётда бугун ҳаёт қайнамоқда. Аввал Сергели тумани тасарруфидаги бу ҳудудда қисқа фурсатда юзлаб кўп қаватли уйлар қад ростлади, минглаб оилалар кичик ватанли бўлди. Метро линиялари тортилди. Йўллар, кўприклар қурилди, яшаш учун қулай инфраструктура яратилди.

Давлатимиз раҳбари Янгиҳаётга олдинги ташрифида аҳоли сони ортаётганини ҳисобга олиб, янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектларини қуриш, иш жойларини яратиш лозимлигини айтган эди. Бугунга кел-

либ Президентимиз ташаббуслари бирма-бир ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айни пайтда туманда йирик саноат корхонаси — 10 та етди. 2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб тумандаги “Алмерро груп” масъулияти чекланган жамиятининг қандалот корхонасини кўздан кечирди.

Умумий қиймати 70 миллиард сўм бўлган ушбу корхона икки босқичдан иборат. Ўтган йили ноябрда биринчи босқичи ишга туширилган. Янги

бино қурилиб, Туркиядан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилган.

Бугунги кунда корхона йилига 2 минг тоннага яқин қандалот маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда шоколад, конфет, печенье, вафли каби 95 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. 120 киши иш билан таъминланган.

Президент қандалот маҳсулотлари сифатини кўрди.

— Сифати яхши, чет элники билан бемалол рақобатлаша олади. Фақат нархни тушириш бўйича яна имконият бор. Масалан, импорт қи-

линаётган қўшимчаларни хомашё шаклида олиб, шу ернинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилса, таннархни 10-15 фоиз арзонлаштириш мумкин. Шунда маҳсулотлар яхши сотилиб, қўшимча иш ўринлари очиш имконияти пайдо бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхонанинг иккинчи босқичи фойдаланишга топширилганидан сўнг йиллик қувват 10 минг тоннага етади. Маҳсулотларнинг бир қисмини қўшни давлатлар ва Мўғлистонга экспорт қилиш мўлжалланган.

2021 йил 4 февраль куни Ўзбекистон Президентининг “Тошкент шаҳрида “Янгиҳаёт” индустриал технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Давлатимиз раҳбари Янгиҳаёт туманига ташрифи чоғида ушбу технопарк қуриладиган майдонда бўлди.

Бу мажмуа учун 210 гектар майдон ажратилган. Шундан 150 гектари икки босқичда аукцион савдоларига чиқарилади. Тадбиркорлар сотиб олинган ернинг мулкдори бўлади ва корхоналарни узлари қуради.

— Тошкентда ер танқис, келгусида бундай майдонлар топилмайди. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш керак. Шунинг учун корхоналар кўп қаватли қилиб қурилгани маъқул, — деди Президент.

Бу ерда жойлаштириладиган корхоналарда 20 минг иш ўрни яратилиши мўлжалланган. Умуман олганда, технопарк ишлаб чиқаришни кенгайтириш, саноат тармоқларига замонавий технологияларни жорий этиш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Шу ерда Янгиҳаёт туманидаги корхоналар маҳсулотлари ҳам намойиш этилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги Дўстлик маҳалласи ҳаёти билан танишди.

Бу ерда 11 та кўп қаватли уй бўлиб, 4 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳалла ҳудудида касб-хунар коллежи, мактабгача таълим муассасаси, дорихоналар, дўкон ва маиший хизмат шохобчалари бор.

Илгари бу ер биров эътибордан четда қолган эди. Ўтган йили “Обод маҳалла” дастури доирасида ҳудуд ободонлаштирилди. Болалар ўйингоҳи, спорт майдончаси, савдо ва кассаначилик дўконлари барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси билан суҳбатлашди.

— Халқимиз мана шундай обод, чиройли жойларда яшашга муносиб. Ишларни маҳаллабй ташкил этаётганимиздан мақсад шу. Энди бу ерда мухит, қўшничилик, аҳиллик ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Миллий қадриятларимиздагидек тад-

бирлар уюштириш мумкин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Фуқаролар йиғинининг янги биносида маҳалла фаоллари, нуронийлар билан мулоқот бўлди.

— Бу — давлатнинг замани, — деди Президентимиз. — Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади. Кўряпислар, замон таҳликали бўлиб турибди. Қийинчиликсиз оила бўлмаганидек, қийинчиликсиз давлатнинг ўзи йўқ. Биз ҳам сабр билан, илм билан, меҳнат ва ҳаракатимиз билан режаларимизни амалга оширяпмиз.

Мамлакатимиздаги янги тизим асосида Янгиҳаёт туманидаги 30 та маҳаллага ҳам ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари тайинланган.

— Илгари одамлар муаммолар бўйича ҳокимиятга борарди, хатлар ёзарди. Энди ҳар бир маҳаллада Президентнинг вакиллари бор. Энди улар хонадонларни ўрганиб, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашиш, ишсизларни касб-хунарга ўқитиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш бўйича ишларни йўлга қўйишлари зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбари Тошкент айланма йўли бўйида “Бокс стрит” қуриш лойиҳаси билан ҳам танишди.

Йўл бўйида ташкил этиладиган бундай мажмуалар дунё тажрибасида бор. Унда кечаю кундуз ишлайдиган савдо, овқатланиш ва маиший хизмат шохобчалари бўлади. Уларни арзон ва тез қуриш мақсадида юк контейнерларидан фойдаланилмоқда.

Бунинг учун 7 гектар ер ажратиши режалаштирилган. Объектлар тадбиркорларга электрон-онлайн аукцион орқали сотилади. Уларда 500 дан ортиқ иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Президент Тошкент шаҳрида ҳаракатланаётган электробусни ҳам кўздан кечирди. “Яшил” транспорт тизимини ривожлантириш, метрополитеннинг кейинги босқичлари ва трамвай йўналишини белгилаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Янгиҳаёт туманидаги “Тошкент индекси” савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасини бориб кўрди.

Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

НОГИРОНЛАР
ҚУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ:
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ЁНДАШУВЛАРДАГИ
ЎЗАРО МУШТАРАКЛИК

Жорий йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзоланди ва куни кеча матбуотда эълон қилинди. Ушбу ҳужжат 2022 йил 28 январда тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ижроси доирасида ишлаб чиқилган.



Бунга қадар Ҳаракатлар стратегияси доирасида, жумладан, Президентимиз томонидан 2021 йил 25 мартда “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги фармон, 2021 йил

27 ноябрда “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронлиқни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинган ва ижрога йўналтирилган.

Давоми 3-бетда

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЁРУФ ЮЗИ ВА ВИҶДОНИ КЎЗГУСИ

ЯНГИ ҲАЁТ ШУКУҲИ
ҳар биримизни эзгу мақсадлар сари чорламоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри Янгиҳаёт ва Сергели туманларига ташрифини нафақат бу ҳудудлар аҳолиси, балки барча пойтахтликлар, юртимиз аҳли алоҳида эътибор, зўр ҳавас билан кузатиб борди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг маҳалла фаоллари, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан мулоқоти катта қизиқиш билан кутиб олинди. Шу учрашувдан руҳланган ҳолда таъкидлашни истардикки, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз ҳаётини, қувончу ташвишини маҳалладан айро тасаввур эта олмайди. Ҳақиқатан ҳам, оилада қандайдир муаммо ёки камчилик бўлса, дарҳол маҳалладан маслаҳат сўрашга ошиқамиз. Муҳими, бу ерда инсонлар муаммосини ўзиникидек билиб, ёрдамга шошадиган маҳалла фаоллари, нуронийлар — ҳаётингизга бефарқ бўлмаган инсонлар борлигидан хурсанд бўласиз. Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистонда инсон ҳаёти, унинг қадр-қиммати, фаровон ҳаёти барча нарсадан устун экани амалда ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Давоми 5-бетда





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯНГИҲАЁТ: ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ИЖОБАТИ



Бошланиши 1-бетда

Мажмуа ҳудуди 72 гектар. Бу ерда қарийб 1 триллион 300 миллиард сўм эвазига савдо дўконлари, логистика ва экспозитив марказлари, меҳмонхона, ошхона барпо этилмоқда. Уларда жами 13 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Лойиҳанинг биринчи

бошқичи бу йил Наврўз байрами арафасида ишга туширилади.

Шу ерда Янгиҳаёт ва Сергели туманларини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Ўтган йили Янгиҳаёт туманида 600 та лойиҳа амалга оширилиб, 3 мингдан зиёд иш ўрни очилгани қайд этилди. Сергели

туманида 65 та лойиҳа натижасида 2 минг 600 та иш ўрни ташкил этилган. Мактабгача таълим муассасалари, поликлиникалар, спорт майдончалари қурилган. Ички йўллар, коммунал тармоқлар таъмирланган.

Йиғилишда жорий йилги вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Бу йил Янгиҳаёт туманида жами қиймати 3,8 триллион сўм бўлган 61 та лойиҳани амалга ошириб, 26 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

“Янги шаҳар” лойиҳаси доирасида 5 миллион квадрат метр уй-жой, кўплаб ижтимоий соҳа объектлари қурилади. “Йўлдош” мавзесидаги эски ёнча уйлар бузилиб, уларнинг эгаларини замонавий турар жойларга кўчириш дастури бошланади.

Аҳоли зич маҳаллаларда учта болалар боғчаси, иккита мактабда қўшимча бино қурилади. Жамоатчилик фикри асосида аҳоли муаммоларини ҳал этишга 3,2 миллиард сўм йўналтирилади.

Сергели туманида умумий қиймати 6,4 триллион сўм бўлган 79 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 31 мингта доимий иш ўрни яратиш мўлжалланган. Жумладан, “Алютекс” корхонасида алюмин профиллар, “Резалит строй груп” корхонасида электрокар қўтиёт қисмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

2 та мактаб, 2 та болалар боғчаси ва оилавий поликлиника қурилади. “Алишер Навоий” мавзесида Янги Ўзбекистон масивини қуриш ишлари бошланади.

Йиғилишда Тошкент шаҳри туманларининг ҳоким ва сектор раҳбарлари сўзга чиқди. Ҳоким ёрдамчилари иштирокида иқтисодий, ёшлар етакчилари билан ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш режалари ҳақида ахборот берди.

Унга кўра, ҳоким ёрдамчилари маҳаллаларда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, бандликни таъминлаш, фуқароларни касб-хунарга ўқитишга йўналтиришда фаоллик кўсатади.

Ёшлар етакчилари ҳам ўз маҳалласидаги ёшларнинг муаммоларини доимий ўрганиб, уларнинг бизнес ғояларини амалга оширишга кўмак беради ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спорт ва китобхонликка жалб этишда ташаббускор бўлади.

Президентимиз уларга муҳим тавсиялар берди ва бу муҳим фаолиятда шижоат, ташаббускорлик, ватанпарварлик каби фазилатлар муҳим эканини қайд этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулла МУСАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

ТЕРМИЗДАН НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖўНАТИЛДИ

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси қочоқлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларга тайёр туриш тадбирлари доирасида Сурхондарё вилоятидаги “Termez Cargo Centre”дан Тожикистонга гуманитар ёрдам жўнатди.

Мазкур инсонпарварлик кўмаги Афғонистондан эҳтимолий қочоқлар оқимида тайёргарлик кўришда Тожикистон ҳукуматини кўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатнинг бир қисмидир.

Гуманитар юкнинг биринчи жўнатмаси таркибида 40 тоннага яқин яшаш жойи учун керакли оилавий қодир, ётоқ тўшаги, ошхона жиҳозлари, полиэтилен плёнка ва бошқа бирламчи ёрдам буюмлари мавжуд. 2021 йил ноябрь-декабрь ойларида Термизга ҳаво ва куруқлик йўли орқали етказилган юк зарур ёрдамни захираш учун Тожикистонга олиб кетилмоқда.

Ушбу саховат миссияси Япония ҳукуматининг 700 000 долларлик бегараз кўмаги ва Европа Иттифоқининг 500 000 евро миқдоридagi ёрдами ҳисобидан амалга оширилди.

Инсонпарварлик юки Ўзбекистон ҳукумати кўмагида Термиз юк ташиш марказида ташкил этилган БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссарлиги гуманитар марказидан жўнатилди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҚАДР-ҚИММАТ АЙЁМИ

Ҳар йили табиат уйғониб, гул-чечаклар очилиб, атроф-жавониб яшил либосга бурканган бир паллада юртимиз бўйлаб ўзгача шуқуҳ кезади. Тинчлик-омонлик ҳукм сураётган ватанимизнинг ҳар гўшасида шарқона Йилбоши — Наврўз кенг нишонланади: карнай-сурнай овозлари, шодон яллаю лапарлар, болажонларнинг шўх кулгуси... яқин-йироқлардан эшитилиб, кўнгилларга кўклам нашидасини юктиради.



Фаррух ЖАББОРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат марказининг масъул ходими

тизимига эга уйда эмас, ўтовда ҳаёт кечирган аҳоли учун қишдан чиқиб олиш ҳақиқий машаққат ҳисобланарди. Момоларимиз ҳали-ҳануз баҳор элчиси бойчечакни кўрганда “омонлик-сомонлик, янаги шу кунларга ҳам етайлик”, дея тилак билдириши замирида шу ҳикмат яширин, назаримизда.



Тарих гувоҳ: қайси динга эътиқод қилиши, қанчадан-қанча гайри маданиятлар таъсири остида қолишидан қатъи назар, халқимиз асрлар мобайнида Наврўздан воз кечмаган. Бу баҳорий байрам ўзбекнинг ўзлигини, бағрикенглиги меҳмондўстлиги, қўйингки, барча инсоний фазилатларини мужассамлаштирган.

Бизда нафақат янги йил 21 мартдан бошланади, балки деярли барча миллий анъаналаримиз: кўпқар, қураш, бахшичиликдан тортиб кепинсаломгача Йилбоши сайли “чорраҳа”сида тутади. Тазбир жоиз бўлса, Наврўзни маданиятимиз дурдонаси, байрамларимиз онаси, дейиш мумкин.

Ҳар йили Наврўз яқинлашган сайин оммавий ахборот воситаларида, айниқса, ижтимоий тармоқларда урчиб кетадиган турли даъвою иддаоларга қарата айтиш мумкинки, бу байрамни турлича ёндашувлар — диний, миллий, мафкуравий тазйиклардан мутлақо холи ҳолида табиатнинг янгиланиш, яшариш айёми, шоху гадо орасидаги тенглик ҳамда турфа эътиқод ва этноса мансуб кишилар орасидаги бағрикенглик тантанаси сифатида нишонлаш зарур. Зотан, асарлар мобайнида шундай бўлиб келган ҳам. Йилбошига нибатан азалий ва абадий айём таърифини бе-малол ишлатиш мумкин. Негаки, ушбу байрам ўткинчи ғоялар билан эмас, олий ҳакам — вақт билан чамбарчас боғлиқ. Ер Қуёш атрофида айланаверар экан, Наврўз ҳам ҳар хил кўринишда бўлса-да, тантана қилинаверади.

Халқимиз асрий орзулари ва даврлар синовидан ўтган одамийлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат каби фазилатлари, шунингдек, бағрикенглик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари миллий қадриятларини Йилбоши — Наврўз сайлларига сингдириб юборган. Шу маънода, ўзбекнинг ичу таши, борлиги ушбу баҳорий байрамда ўз тажассумини топиши табиий.

ҚАРОР ВА ИЖРО

40 ЁШДАН ОШГАН АҲОЛИ йилига камида бир марта манзилли скрининг текширувидан ўтказилади

2022 йил 26 январь кунин Президентимиз томонидан “Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали директори, тиббиёт фанлари доктори Нуралӣ ҚУРБОНОВ мазкур қарор ижроси борасида филиалда олиб борилаётган ишлар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.



— Кейинги йилларда дунё миқёсида юрак-қон томир касалликлари билан касалланиш тобора кўпайиб бормоқда. Таассуфки, хасталик ногиронликка айланиш ва ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қоляпти. Мамлакатимиз бўйича ушбу касаллик туфайли вафот этганлар умумий ўлим сонининг қарийб 60 фоизини ташкил қилмоқда.

Ҳозирги кунда Жиззах вилоятида катта ёшдаги 55 мингдан зиёд бемор шу хасталикка чалинган. Ачинарлики, 455 нафар ёш бола туғма юрак нуқсони борлиги учун кардиожаҳолик амалиётига муҳтож. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори мамлакатимизда инсон кадр-қиммати ҳар нарсадан улуғлигининг ёрқин ифодаси бўлиб, унинг амалий ижроси мазкур муаммолар ечимига қаратилганлиги билан аҳамиятли.

Қарорга асосан, вилоятимиздаги 40 ёшдан ошган аҳолини оилавий поликлиника ва тиббиёт бригадалари орқали йилига камида бир марта манзилли скрининг текширувларидан ўтказиш амалга оширилади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси шароитида сўровнома-лар, шунингдек, антропометрия, тонометрия, ЭКГ текшируви ёрдамида одамлардаги умумий холестерин миқдори аниқланади. Касаллиги бор беморларни соғломлаштириш чоралари кўрилади. “Д” назоратга

ҳамда муассасаларнинг локал тармоғи яратилади.

Кўп тармоқли марказий поликлиникаларда белгиланган стандартлар асосида барча кардиологлар хонаси жиҳозланади. Филиалимизнинг 2 нафар мутахассиси хорижий давлатларда малака ошириши ташкил этилади.

2017 йилда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида 20 уринга мўлжалланган кардиология биноси қурилиши бошланган эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда Жиззах вилоятига ташрифи чоғида мазкур бўлимини 100 уринга айлантириб, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиали ташкил этиш тўғрисида кўрсатма берган эди.

Бугунги кунда филиалда беморларнинг стационар даволиниши ва диагностикаси учун барча шарт-шароит мавжуд. Шунингдек, 100 қатновга мўлжалланган маслаҳат поликлиникаси, лаборатория, қабул-диагностика бўлими, қабулхона ишлаб турибди. Филиал томонидан 122 турдаги пуллик хизмат кўрсатилади. 80 фойз хизмат ҳужалик, 20 фойз хизматлар бюджет ҳисобидан қопланади.

2020 йил декабрь ойидан бошлаб филиалда юрак-қон томирларида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб келинмоқда. Рентген эндоваскуляр хирургия йўналиши бўйича 2021 йил 16 мартда қозғоситонлик Димитрий Полумисков иштирокида, 3 июнда эса Санкт-Петербург шаҳридан келган тажрибали мутахассис Аликсандр Каледин иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди. 2021 йилда марказимизда 10 турдаги юқори технологияли 1000 дан зиёд кардиожаҳолик амалиёт-

лари бажарилди. Ушбу амалиётларни бажаришда Россиянинг нуфузли клиникаларида меҳнат қилган 5 нафар етук ватандошимиз марказимизга ишга тақлиф қилиниб, тегишли маош ва уй-жой билан таъминланди.

Юрак-қон томир касалликлари маълум бир ёш ёки жинсга хос эмас. Бироқ, самарали ва ўз вақтида чора кўрилса, касалликка чалиниш хавфи ёки унинг асоратлардан камаюди. Касаллиқнинг бошланғич даврида беморда унинг белгилари намоён бўлмайди ёки беморни безовта қилмайди. Шу боис, соғлигини ўйлаган ҳар бир одам вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туриши зарур. Хасталик аниқланганда, даволаш ва диагностика тадбирларини ўтказиб, касаллиқнинг авж олиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш керак.

Шунингдек, ҳозирги глобаллашув даврида, экологик муҳитнинг ўзгариши, ичкилик ва чекиш каби зарарли одатларга берилиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ юрак-қон томир касалликлари туғма турларининг келиб чиқишига асосий сабаб бўлмоқда.

Юрак-қон томир касалликларида чалинмаслик учун соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фаол жисмоний ҳаракатда бўлиш, ақлий ва жисмоний меҳнатни меъёрида олиб бориш, тўғри овқатланиш ҳамда зарарли одатлардан воз кечиш талаб этилади. Мазкур кўрсатмаларга амал қилиш, нафақат юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда, балки жамиятда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Фарҳод НЕЪМАТОВ ёзиб олди.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ЁНДАШУВЛАРДАГИ ЎЗАРО МУШТАРАКЛИК



Акмал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммит

2022 йил 16-17 февраль кунлари Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммит бўлиб ўтди. Ушбу халқаро анжуман Норвегия ва Гана ҳукуматлари ҳамда Ногиронлик муаммолари бўйича халқаро альянс томонидан онлайн шаклда ташкил этилди.

Глобал саммитда БМТ ва унинг минтақалардаги муассасалари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари, алоқадор вазирлик ва ташкилотлар мутахассислари, хусусий сектор вакиллари ва фуқаролик жамияти фаоллари — **жами 7 мингдан зиёд вакил иштирок этди.**

Халқаро анжуманга Ўзбекистон ҳам тақлиф этилди. Муҳими, мамлакатимиз вакилига Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари ҳақида ахборот тақдим этиш имконияти яратилди.

Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммитда имконияти чекланган инсонлар ҳаётида аниқ ва амалий ўзгаришлар юз беришига хизмат қиладиган инклюзив тараққиёт талабларини татбиқ этиш истиқболлари муҳокама қилинди. Бунда **БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқилди.**

Барқарор ривожланишнинг 17-мақсадига эришиш учун саккиз йилдан озорқ вақт қоляпти. Шунинг учун, бу борада қўлга киритилган натижаларга таянган ҳолда, ушбу мақсад доирасида белгиланган инклюзив тараққиётни кенгайтириш бўйича мажбуриятларни бажариш лозим.

БМТ Бош котиби **Антониу Гутерриш** ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилишнинг бир қатор устувор йўналишларини илгари сурди. Хусусан, Бош котиб фикрича, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамма жойда ҳар қандай имкониятлардан тенг фойдалана олишига шароит яратиш учун инвестициялар зарур. Бу эса катта миқдордаги молиялаштиришни тақозо этади.

Саммитни Норвегия Бош вазири **Йонас Гар Стёре** очар экан, мазкур халқаро анжуман бутун дунёдаги имконияти чекланган инсонлар ҳаётини яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатларимизни фаоллаштиришга йўл очилиши таъкидлади. Зеро, бугунги кунда дунё аҳолисининг қариб 15 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Коронавирус пандемияси ана шу инсонлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги нотенгликни кучайтирмоқда.



Гана Республикаси Президентини Нана Акуфо-Аддо бундай нотенглик пандемия туфайли мамлакатлар ичкарисида, айниқса, кучайганига эътибор қаратди. Бу вазият, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларга коронавирис бўлган боғлиқ ҳолатларда тиббий, ижтимоий ва молиявий хизматлар етарлича кўрсатилаётгани мисолида кўзга ташланмоқда.

Глобал саммитда 20 нафар олий даражадаги спикер — Президентлар, Бош вазирлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди ва сўзга чиқди. Халқаро анжуманда таъкидланганидек, БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ижросини таъминлаш ва унинг бажарилишини мунтазам мониторинг қилиб бориш жуда муҳим. Шундагина имконияти чекланган инсонлар ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш масаласи инсониятнинг барқарор ва фаровон жамият барпо этиш борасидаги глобал фаолиятининг диққат марказида турлишга эришамиз.

Шу маънода, **биринчидан**, халқаро ҳамжамиятнинг бундай ижобий муносабати, бир томондан, Ўзбекистон миллий тараққиёт йўлидан оғишмай, дадил одимлаётганини тасдиқлайди.

Иккинчидан, бу жаҳоний эътибор мамлакатимизнинг халқаро майдонда ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётганига яна бир ёрқин далил ҳисобланади.

Учинчидан, буларнинг барчаси — ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Президентини олиб бораётган сиёсат билан халқаро ҳамжамиятнинг глобал саъй-ҳаракатлари ўзаро уйғун ҳамда муштарак эканини амалда намойён этмоқда.

Ўзбекистон ва Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция: ташаббус ва натижадорлик

Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — ногиронлиги бўлган шахсларнинг Конституциямида кўзда тутилган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон қўшилган халқаро шартномаларга мувофиқ ҳолда, бошқа фуқаролар билан тенг равишда таъминлаш ҳисобланади.

БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 2021 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилингани ушбу соҳада самарали ислохотларни давом эттиришнинг ёрқин намунаси бўлди.

Бу ҳақда фикр юритганда, албатта, кейинги йилларда айни соҳада шиддатли тус олган амалий ишлар диққатга лойиқ самаралар берганини қайд этиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилишига оид масала давлат бошлигининг қуйдаги дастурий ҳужжатларида:

1. “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида (2017 йил 1 декабрда қабул қилинган);

2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурида (2018 йил 5 майдаги фармон билан тасдиқланган);

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида (2020 йил 22 июндаги фармон билан тасдиқланган);

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 йил 22 февралда бўлиб ўтган 46-сессиясидаги нутқида назарда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессияси минбаридан туриб, **имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш** таклифини халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этар экан, Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлагани бежиз эмас.

2020 йилда “**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида**”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини тартибга солиши билан жуда аҳамиятли. Қонун, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш моделини ва соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишга қаратилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари амал қилиш, ёрдам ва қўллаб-қувватлаш муҳтож, биринчи навбатда, жисмоний имконияти чекланган одамларга тўлақонли ҳаёт кечирishi учун шароит яратиш масаласи давлат раҳбарининг доимий диққат марказида турибди.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси — дунёдаги ногиронлиги бўлган шахслар Конституцияси

Ушбу Конвенция XXI асрда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биринчи шартнома бўлиб, у БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 3 майда кучга кирган. **БМТга аъзо 192 давлатдан, 2021 йил май ҳолатига қура, 183 таси ушбу Конвенцияни ратификация қилган.**

Конвенцияда ногиронлар ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, хусусан, уларнинг яшаш, фуқаролик ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда, буш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шугулланишга иштирок этиш, ўзлари ва oilаси учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган. Ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг кафолатлари белгиланган.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 50 та моддадан ibорат бўлиб, дунёдаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳолатини таҳлил қилиш асосида қабул қилинган. Жаҳон солиқли сақлаш ташкилоти хисоб-китобларига қура, **дунё аҳолисининг 15 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил қилади, бугунги кунда уларнинг сонини 1 миллиардга етган.**

Конвенциянинг асосий ҳосяи шундан ibоратки, ногиронлиги бўлган шахслар барча инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан камситишларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Конвенциянинг мақсади 1-моддада баён этилган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча инсон ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашдан ibорат. У фойдаланиш имконияти, шахсий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация, сиёсий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек, тенглик ва камситмаслик каби бир қатор муҳим масалаларни қамраб олади.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 4-моддасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича умумий мажбуриятлар белгиланган. Хусусан, **Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар қуйдаги мажбуриятларни олади:**

❖ ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча зарур қонуний, маъмурий-ташқиллий ва бошқа чораларни қўриш;

❖ ногиронларга нисбатан камситиш хусусиятига эга мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатларни ўзгатириш ёки бекор қилиш;

❖ барча стратегиялар ва дастурларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш хисобига олиш, Конвенцияга тўғри келмайдиган ҳар қандай ҳаракатлар ёки усуллардан тийилиш;

❖ ҳар қандай шахс, ташкилот ёки хусусий корхона томонидан ногиронлик белгиси бўйича камситишни бартараф этиш учун зарур чораларни қўриш;

❖ ногиронлиги бўлган шахсларнинг аниқ эҳтиёжлари учун мослаштириш, товарлар,

хизматлар, жиҳозлар ва универсал дизайн объектларининг илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш ёки рағбатлантириш;

❖ Конвенцияда кафолатланган ёрдам ва хизматларни тақдим этишни такомиллаштириш учун мутахассислар ва ногиронлиги бўлган шахслар билан иш олиб борадиган персонални ушбу эътироф этилган ҳуқуқларга ўқитишни рағбатлантириш.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда устувор субъектлар сифатида ногиронлиги бўлган аёллар (6-модда) ва ногиронлиги бўлган болалар (7-модда) ажратиб кўрсатилган.

Конвенция қоидалари бажарилишини мониторинг қилувчи, иштирок этувчи давлатларнинг маърузаларини қўриб чиқишга ваколатли ҳамда ушбу маърузалар бўйича тақлиф ва умумий тавсиялар берувчи орган — БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (18 кишидан ibорат) ташкил этилган.

Аъзо давлатлар дастлабки миллий маърузани Конвенция ратификация қилинганидан сўнг 2 йил ичида, кейинчалик ҳар 4 йилда бир марта тақдим этишлари белгиланган.

Ўзбекистон ратификация қилган БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглиги, ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва болаларнинг таълим олиши, саломатлигини сақлаши, меҳнат қилиши, ўзи ва oilаси учун етарлича турмуш шароитига эга бўлишининг ҳуқуқий кафолатларини белгилловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Конвенцияни ратификация қилишда 3 та манба: миллий қонунчилик, юридик амалиёт ва ушбу Конвенциянинг ўзига таянилди. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон каби давлатлар тажрибаси қўқур ўрганилди.

Хусусан, АҚШ, Буюк, Британия, Германия, Швейцария каби етакчи хорижий давлатлар Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ҳолда, тегишли миллий қонунларини ҳам қабул қилган. Бу қонунларнинг барчаси мазмунан ўхшаш бўлиб, Конвенция талаблари негизда ишлаб чиқилган.

Эътиборли томони шундаки, ГРда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча қонунлар мавжуд. Жумладан, “Жамиятда, ишда ва касбий соҳада ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида”ги қонун шулар сирасига кирази.

Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳуқуқий амалиётига келсак, қонун ижодкорлигида илк бор ноёб тажриба қўлланилди. Яъни халқаро-ҳуқуқий ҳуж-

“**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНИНГ 46-СЕССИЯСИ МИНБАРИДАН ТУРИБ, ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН САХСЛАРНИНГ ЎЗ ҚОБИЛИЯТИНИ ТЎЛА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ КЕНГАШ ТУЗИШ ТАКЛИФИНИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТАР ЭКАН, ЎЗБЕКИСТОНДА АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖГА ЭГА БЎЛГАН САХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.****”**

жат давлат б миллий қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан кейин ратификация қилинди.

Энг асосийси, Конвенциянинг ратификация қилиниши натижасида:

биринчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими халқаро норма ва стандартларга мувофиқлашди;

иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсади ресурсларини жалб қилиш имкони кенгайди;

учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги мамлакатимизнинг ижобий халқаро имижини янада яхшилашмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Ўзбекистон тажрибаси

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 200 дан ортқ норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан тартибга солинмоқда. Бу ўринда Конституция, 40 дан зиёд қонун ва 160 дан ортқ қонунности ҳужжати кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик: ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги барча ҳуқуқларини тартибга солувчи “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш; бандлик масалалари; жисмоний тарбия, спорт ва дам олиш; ижтимоий объектлар ва хизматлар, транспорт, алоқа ва ахборот воситаларини дон фойдаланиш; одил судлов; давлат ва жомат ишларига иштирок этиш; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик каби нормалардан ташкил толган.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ҳимоя қилиш асосида қандай вазият бўлишидан қатъи назар, инсонни, шу жумладан, ногиронлиги туфайли камситмаслик принцили ётади. Бу борада нафақат давлат тузилмалари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаоллик кўрсатаётгани жуда муҳим.

“**БМТ БОШ КОТИБИ АНТОНИУ ГУТЕРРИШ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН САХСЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ БИР ҚАТОР УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРДИ. ХУСУСАН, БОШ КОТИБ ФИКРИЧА, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН САХСЛАР ҲАММА ЖОЙДА ҲАР ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЕНГ ФОЙДАЛАНА ОЛИШИГА ШАРОИТ ЯРАТИШ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЗАРУР. БУ ЭСА КАТТА МИҚДОРДАГИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.****”**



Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг **9-мақсади**да кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш ҳақида сўз боради. Дастуруламал ҳужжатнинг **53-мақсади**да аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш истиқболлари

Тараққиёт стратегиясининг **66-мақсади** “**Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш**” деб номланган. Ушбу мақсад доирасида:

биринчидан, ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш;

иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

учинчидан, тиббий-меҳнат экспертизаси ва ногиронлиқни белгилашнинг шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;

тўртинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг oilаси, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қўлай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорт, ижтимоий ва бошқа инфраструктура объектларидан эркин фойдаланишини учун зарур шароитлар яратиш;

бешинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокчини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

олтинчидан, ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш каби гоят муҳим вазифалар қун тартибига қўйилган. Айни вқтда ушбу чора-тадбирлар ичмил амалга оширилмоқда. **Бу ҳақда сўз борганда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 8 февралда** “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини имзолаганини яна бир бор таъкидлаш лозим.



Ушбу фармон ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлаётган oilаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрданинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этишга қаратилгани билан нйҳоятда муҳим.

Бундан ташқари, Тараққиёт стратегияси доирасида Вазирлар Маҳкамаси 2022 йил 8 февралда “**Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**”ги қарорини қабул қилди. Ҳукумат қарорига асосан ногиронлиқни олиш тартиби ўзгартрилди. Яъни эндиликда фуқароларни қўриқдан ўтказиш уларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларига қўриқка юбориш орқали амалга оширилади.

Қуриққа, шунингдек, стационардан берилган касаллик тарихини, амбулатор қартадан қўчирмаларни ва беморни қўриқка юбориш учун асос бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳам қирази. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларини мақсидига қўриқ тузил тартибда ва ҳужжатлар қабул қилиб олинган кўндан бошлаб 10 кун ичида ўтказилади. Ногиронлик белгиланган тақдирда, ҳужжатлар ТИЗК томонидан қабул қилиб олинган сана ногиронлиқнинг бошланиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси ҳисобланади. Шу маънода, мамлакатимиз Конвенцияни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини тасдиқлаш зиммасига олади. Кейинги, яъни 2023 йилда Ўзбекистон БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг бажарилиши бўйича дастлабки ҳисоботини тегишли тартибда тақдим этади.



НУҚТАИ НАЗАР



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Инновацион ривожланиш
вазирлиги, академик

ДАДИЛ КАДАМЛАР БИЛАН КАТТА МАРРАЛАР САРИ

Агросаноат комплексининг энг йирик соҳаларидан бири бўлган чорвачилик озиқ-овқат таъминотида катта ўрин тутиши баробарида саноат учун зарур хомашё етказиб бериши билан ҳам аҳамиятли. Тармоқ экин экишга яроқсиз ерлардан самарали фойдаланиш имконини ҳам беради. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 февраль куни чорвачилик соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳани ривожлантириш, унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳақида сўз борди. Мазкур соҳаларга давлат раҳбарининг алоҳида эътибори, ҳар бир катта-кичик масала юзасидан бирма-бир мисоллар келтирилиб, ортирилган тажрибалар таҳлил қилиниши, соҳага катта миқдорда маблағ ва имтиёзлар тақдим этилиши бежиз эмас. Унинг замирида бугунги инсон қадрини утулаш, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлаш учун янги Ўзбекистонда қўйилган буюк қадамларнинг амалий ечимлари ётибди.

Озуқа — чорвачилик ривожининг асоси

Аҳолини сифатли сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш учун чорвачилик озуқасини еттиштиришга алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Шу боис, йиғилишда соҳада ресурстежовчи технологияларни кенг қўллаш орқали олинadиган маҳсулот унумдорлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам зарур экани таъкидланди.

Айтиш жоиз, тупроқ унумдорлиги анчайин паст, сув тақчиллиги кузатиладиган ҳудудларда гидропоника усулида еттиштириш ўзини тўлиқ оқламоқда. Бир килограмм бошоқли ёки дуккакли дондан аминокислоталар, ёғ, оқсил, микро ва макроэлементларга бой 7 килограммгача еттиштириш бўлиб бугунги кун талабидир. Мана шундай имкониятларни берадиган усулда еттиштирилган озуқа майда шохли молларнинг 20 фоизгача қўшимча вазида эга бўлишини таъминлаб, сут маҳсулдорлигини 15 фоиздан оширади.

Нишон туманида табиий ҳолда чўлда ёввойи кўринишда ўсадиган янтоқ ва қамишдан ишлаб чиқарилган емга гидропоника усулида ундирилган бугдой шираси қўшилиб, витаминларга бой, тўйимли чорвачилик озуқаси ишлаб чиқарилмоқда. Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун зарур маблағ ажратилган бўлиб, кунига 25-30 тонна атрофида маҳсулот тайёрланади. Чорвачилик учун маҳаллий озуқа базасини яхшилаш ва бу орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш олдимизда

турган энг долзарб вазифалардандир. Ҳар йили янтоқ ўсимлигининг деярли 60-65 фоизи озуқага йўналтирилмасдан қолади. Гранула шаклида еттиштириш орқали эса қўшимча қиймат заноҳини яратиб, соҳани янада ривожлантириш мумкин. Чорвачиликда фаолият юритаётган тадбиркорларга молиявий кўмак катта таянч бўлади. Йиғилишда гидропоника усулида озуқа еттиштириш учун ускуналар харажати 20 фоизи қопланиши таъкидланганидан аниқлаш мумкинки, тармоқ замонавий технологиялар воситасида янада ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институти лабораториясида яратилган пробиотик озуқа қўшимчалари маҳаллий фойдали бактериялардан ташкил топаган бўлиб, антибиотик ўрнини ҳам қоплайди. Замбуруғли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган мазкур восита Самарқанд вилояти Оқдарё туманида олиб борилган тадқиқотларда ўзини оқлаб, қўёнлар вазиини 1,5 килограммга ошириши аниқланди.

Бу соҳадаги яна бир инновацион ёндашув Қорақалпоғистондаги "Ranaev Farms" МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда. Вазирлик томонидан ажратилган стартап лойиҳаси доирасида, селектор йиғилишида намуна сифатида кўрсатилганидек, гидропоника озуқа-ем тайёрлаш ускунаси маҳал-

лийлаштирилиб, ишлаб чиқариши ташкил қилинган ҳамда озуқа тайёрлаш кенг йўлга қўйилмоқда. Ферманинг кооперацион келишувлари доирасида тайёрланган озуқа-ем ҳўжаликларга текинга тарқатилади. Ферма томонидан ушбу ҳўжаликлардаги сут маҳсулотлари сотиб олинади, гидропоника озуқаси билан боқилган қора молнинг сuti эса сифатли ҳамда ёғли бўлади. Ферманинг манфаати ва фойдаси ҳамда гидропоника озуқа тайёрлаш харажати — сифатли сут сотиб олиш билан қопланади. Бу тадбиркорликдаги янги қарар — бир томондан, тадбиркор озуқа тайёрлаш ва уни етказиб беришга масъул ва бундан манфаатдор, иккинчи томондан, ҳатто кам таъминланган оилалар ҳам бундай юқори сифатли озуқани олиш имкониятига эга. Икки томон ҳам даромад ва манфаат таъминлаши асосида меҳнат қилади.

Охангарон тумани ҳам чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, касалликлар ва зараркундаларга чидамли озуқа-ем лавлагининг "Ўзбекистон-83" нави экин ва қўлайтириш мақсадида 4 та фермер ҳўжалигида илмий асосда бирлашмиш уруғчилик ишлари йўлга қўйилган. Туманининг лалмикор ва сув танқис ҳудудларида қашқарбедани бошоқли экинлар билан аралашма ҳолда еттиштириш технологияси ҳам жорий этилган бўлиб, экинлар учун энг муҳим ресурс — сув тақсирлигини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда бартараф этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Туманда замонавий 1200 метрча чуқурликда бурғилаш техникалари ёрдамида автоном тизимда ишловчи қудуқлар қазиб, адирли ерларга сув чиқариш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Юртимизда илк бор қўлланилаётган технология 10 гектар ерни сув билан таъминлаш кутилмоқда. Жорий йилда лойиҳа доирасида 60 та ана шундай қудуқ яратишни режалаштирилган.

Президентимиз кўп жойларда озуқа-ем таъминотида тизим йўқлиги, озуқа ер майдони камаягани ҳақида муҳим фикрларни илгари сурди. Бу муаммоларни ҳал қилишда чўллардан унумли фойдаланиб, инновацион суғориш ва озуқа еттиштириш тизимини янада такомиллаштириш зарур бўлади.

Иммунобиологик препаратларнинг аҳамияти катта

Қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш жадал ўсаётган бир вақтда ҳайвон ва паррандалар саломатлиги, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда махсус эмлаш ҳамда ташхислаш муҳим ўрин тутди. Сир эмаски, бугунги кунда ветеринария дори воситаларисиз профилактика тадбирлари ўтказиш, соғлиқни сақлашнинг бошқа чораларини ташхислаш мумкин эмас. Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ветеринария илмий-тадқиқот институти томонидан иммунофермент таҳлил учун тўплам ва реагентлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган майдонча ташкил этилиб, экспресс-тест тизимлари учун замонавий тўпламлар ишлаб чиқарилмоқда.



Соҳада янги турдаги маҳаллий иммунобиологик препаратларнинг ҳам аҳамияти катта. Уруғ эркин иқтисодий зонасида Ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган қўллаб касалликларга қарши ГОА формол вакцинаси амалиётта жорий этилди. Янги ишлаб чиқариш мини-цехида қўшимча 5 та иш ўрни яратилиб, маҳсулот юртимизнинг барча чорва-фермер ҳўжаликларида етказиб берилмоқда.

Тилларанг, қумушранг, олмосранг... Қорақўл қўйлари



Видоселектор йиғилишида соҳадаги яна бир даромадли йўналиш — оч рангли қўй-эчкилар жунидан гилам, мато ва бошқа маҳсулотлар тўқиш сотиш эканлиги таъкидланди. Ангрен шаҳри, Косон, Ромитан, Навбахор туманларидаги шундай ишлар намуна қилиб кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навой вилояти бўлими олимлари чорвачиликда универсал биотехнологик лаборатория ташкил этиб, қорақўл қўйларининг геномини ўрганиш, генодиагностика усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Умумий қиймати 850 миллион сўм бўлган мазкур амалий лойиҳа ҳам вазирлик томонидан молиялаштирилди. Айтиш жоиз, академия томонидан амалга оширилаётган рангли қорақўл қўйларининг пигментланиш генетикасига асосланган селекция технологиясига кўра, тери еттиштириш катта самара беради. Юртимизда қора ва кўк, оқ ва гулгиз (пушти ранг) қорақўл терилари еттиштирилади. Бухоро сури деб номланадиган тилларанг, қумушранг, олмосранг қўйларнинг териси эса бозорги хисобланади. Генетик дастур орқали бошқариладиган лойиҳа хомашё рангининг ёрқинлигини таъмин-

лаб, экспортбоп маҳсулот еттиштириш ҳажмининг оширилади.

Четдан келтирилган насли қорамол билан маҳаллий қорамолнинг ўртасида катта фарқ бор. Бири иккинчисидан 4-5 марта кўп сут беради, оғирроқ тош босади. Аммо ҳар иккаласининг парвариши учун бир хил ҳажмда меҳнат ва харажат сарфланмоқда. Шунинг учун ҳам йиғилишда насличиликни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Чорвачилик ҳўжалиқларининг атиги 15 фоизда сунъий уруғлантириш пункти борлиги тажриба тариқасида соҳага ихтисослашган туманларда насличилик, сунъий уруғлантириш ва сервис хизматлари ташкил этиш зарурлигини кўрсатади. Мана шундай ёндашш қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларида ҳам нарх, ҳам сифат мувозанатини сақлашга кўмак беради.

Замон шиддат билан ривожланипти. Кечагина янги саналган технология бугун ўрнини бошқасига бўшатиб бермоқда. Янгиликлар билан ҳамнафас яшаш, тараққиёт сари дадил қадам ташлаш учун илмий кадрлар сони ва сифатини ошириш муҳим.

Соҳага илм ва илгор тажрибаларни жорий этишда Самарқанд ветеринария меди-

цинаси институтининг ролини кучайтириш таъкидланганининг сабаби ҳам шунда. 2021 йилда мазкур билим юртининг ёш олимлари Беларусь Республикасининг Гродно давлат аграр университетига қисқа муддатли илмий стажировкага юборилган эди. Жорий йилда эса чорвачилик йўналишида саралаш танловларида голиб топишган 4 нафар ёш олимнинг Россия Федерациясида илмий стажировка ўташи режалаштирилган. Яратилаётган имкониятлар, кредит ва субсидиялар тармоқни ҳар томонлама ривожлантиради.

Охириги йилларда чорвачилик ва пиллачиликда илмий тадқиқотлар ҳамда илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш қўлами бир неча бор кенгайди. Ҳозирда илмий фаолиятта оид давлат дастурлари доирасида мазкур соҳаларни ривожлантириш бўйича умумий қиймати 10,2 миллиард сўмлик жами 10 та илмий лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу 2016-2017 йилларда илмий лойиҳаларга ажратилган маблағларга нисбатан 3 баробар кўп.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион туманларга жорий қилинаётган бундай мисоллар бисёр. Эндиги долзарб вазифа эса, бугунги кичик қадамларни иқтисодий ўсишга олиб борадиган катта ишлаб чиқаришга айлантириш бўлиб, бу илм-фан, тармоқ ва маҳаллий ҳўқимиятларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишни талаб қилади.

Видоселекторда кўтарилган долзарб масалалар ва давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатиб ўтилган конструктив ечимлар Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни ўз вақтида ва самарали ижро этиш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Чорвачилик — барака манбаи. Соҳани ривожлантиришдан қўзланган асосий мақсад ҳам аҳоли қудналик истеъмол харажатларининг 30 фоизини ташкил қиладиган гўшт, туҳум ва сўт маҳсулотларига бўлган талабни қондириш ҳамда саноат тармоқларини ривожлантиришдир. Аниқ белгиланган мақсадлар ва дадил қадамлар билан қўзланган маррага, албатта, етамиз.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Гулсум ШОДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Сув танқислиги Марказий Осиё мамлакатлари қатори юртимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу эса, қишлоқ ҳўжалиги экинлари еттиштириш учун сув захираларидан оқилона фойдаланишни талаб этади.

Шу боис, сўнгги йилларда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув ҳўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш каби чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Торкретлаш қурилиш майдонлари (котлованлар, резервуарлар, туннеллар, босимли қувурлар ва ҳ.к.) ва материалларининг ички қатламларини, умуман, ҳар қандай қаттиқ юзани сикланган ҳаво ёрдамида махсус таркибдаги бетон қоршимаси билан қоплаб мустаҳкамлашдир. Бетон қоршимасига калмақлар компонентни қўшилиши натижасида унинг мустаҳкамлиги 20-25 фоиз ортади. Қувур сиртидаги бетон қопламасининг ёриқ ва тиркишлари ушбу компонентнинг намлик таъсирида кристалланиши натижасида нуқсонларни бартараф этади. Қувурнинг ички сатҳида пайдо бўладиган гидро-зарб ҳолатларга ҳамда ҳарорат таъсирига мустаҳкамлигини оширади. Яна бир афзаллиги — ер ҳамда монтаж-демонтаж ишларида ҳожат бўлмайди, ер усти иншоотлари бўзилмайди. Бундан ташқари, янги қувурлар харид қилишга сарфланадиган маблағ анчагина тежалди, фойдаланиш муддати 50 йилга узади. Бундай технологиянинг тизимга татбиқ этилиши ўта эскирган ва яроқсиз инфратузилмаларни модернизация қилишда жуда қўл келади.

Ўзбекистон ва АҚШ мутахассислари ҳамкорлигида ташкил этилган "Zarbuloc Engineering" масъулияти чекланган жамияти бу борада Марказий Осиёда янги бўлган хизмат кўрсатувчи муассаса ҳисобланади. Корхона эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган қувурларни инно-



вацион технологиялар асосида қайта таъмирлашга ихтисослашган. Жумладан, диаметри 500 миллиметрдан ошқ бўлган қувурларни ер сатҳини қовла-масдан, йўлларни бузмаган ҳолда қайта таъмирлаш имконияти мавжуд бўлиб, бу жараёнга кетадиган вақт уларни ян-гисига алмаштиришга нисбатан 3 баробар-гача қисқаради ҳамда 8 баробаргача арзонга тушади. Мазкур технология Сув ҳўжалиги вазирлиги қарори билан маъ-қулланган ҳамда сифат стандартларига қиритилган. Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан қувурларни қайта

ТОРКРЕТЛАШ УСУЛИ ВАҚТНИ ҲАМ, МАБЛАҒНИ ҲАМ ТЕЖАЙДИ

тиклашда ишлатиладиган махсус қорш-мани ичимлик сув иншоотларида қў-ллашга рухсат берилган.

— Аслида қалдирғоч лойиҳаларимиз насос станцияларини таъмирлаш билан бошланган, — дейди МЧЖ бош директори Донийр Юсупов. — Ўзбекистон ҳудудида утган асрининг 60-йилларида ер ўзлашти-риш даврида сув ресурсларидан жуда самарасиз фойдаланилган. Қолаверса, ўша даврда ер остига ётқизилган минглаб километр қувурлар отган яроқсиз бўлиб қолган. Раҳматли бот Мухтор Юсупов америкалик мутахассислар билан ҳам-корликда бу муаммоларнинг ечимини из-лаган. Бугун отам бошлаган ишларни да-вом эттириб, сув ҳўжалиги ва ичимлик сув таъминотида хорижий тажрибаларни қў-лаб, янги инновацион лойиҳаларни тат-биқ этилмиш. Бунда Американинг George Mason университетда олган таҳсилим ва орттирган малакам иш берапти. Қувурдаги сув таркибиди қўм ва турли тузлар кўп бўл-гани учун уларни емириб ташлайди. Биз татбиқ этаётган қоршима бу муаммолар-нинг олдини олишда самаралидир. Чўнки биз бетон қоршимасига калмақлар қўша-миз, у эса вақт ва сув ўтган сари кўчарая, бетон мустаҳкамлигини оширади. Аслида янги қувурларнинг меъёр бўйича ишлаш қобилияти 15 йил бўлиб, янги технология асосида қоплама қилинган қувурлар ярим асрга мўлжалланган. Ривожланган давлат-ларда янги қувурлар ҳам торкретланади ва носозликлар роботлар ёрдамида назорат қилиб борилади. Биз ҳам ҳозир айнан шу тажриба асосида инвестиция қилиш, ро-бот техникаси олиб келишни мўлжаллаб турибмиз. Бу ишларни кичик диаметри,



яъни 300-700 миллиметрли қувурларга татбиқ эта олсак, сув ва сув ресурсларида-ги муаммолар янада самарали бартараф этилишига имкон яратилади.

— Афсуски, яқин йилларга қадар сув қувурларининг яроқчилиги муддати, экс-плуатацияси эътибордан четда қолиб қолган. Ҳозир уларни алмаштиришга ки-ришилди, бироқ бу жараён аҳоли яшаш ва ҳаракатланиши, ишлаш жойларида олиб борилиши катта ноқулайликлар келтириб чиқармоқда, — дейди "Zarbuloc Engineering" МЧЖнинг инновацион лой-иҳаларни амалга ошириш бўйича бош директор ўринбосари, иқтисодиёт фан-лари бўйича фалсафа доктори (PhD) Азимжон Раҳимов. — Кейинги йилларда шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Уй-жой ко-мунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва

саноат корхоналари томонидан зарур чора-тадбирлар қўришга киришилган.

Хусусан, ўтган йили Қарши шаҳри мар-казидаги чорраха остида жойлашган ва яроқсиз ҳолатга келиб қолган 130 метр ичимлик сув қувури ҳамда Самарқанд шаҳри Шохизинда шохқўчасининг ости-дан ўтган 600 метрдан зиёд эскирган қувур атроф-муҳитга зиён етказмаган ҳолда торкретлаш орқали қайта таъ-мирланди. Яна бир лойиҳа эса Навой шаҳри марказидаги иссиқлик сув қу-вурининг носоз ҳолатда бўлган қисмида амалга оширилди. Дастлаб 2,5 миллиард сўмга баҳоланган иш ҳажми торкрет усу-лида 3,6 баравар қисқартирилган ҳолда бажарилди. Бухоро вилояти Олоғ тум-анидаги "Жайхун" ёрдамчи насос станция-сида 10 та тармоқдан иборат диаметри 820 миллиметр бўлган қувурлар 3,4 мил-



лиард сўм ўрнига 870 миллион сўмга таъ-мирланди. Фарғона вилоятидаги йирик Қарқидон сув омборининг ўта хавфли ҳо-латдаги диаметри 2440 миллиметр бўлган қувурга ҳам шу усулда 8 миллиард сўм ўрнига 1 миллиард сўмга сифатли таъмир-лаб берилди.

Яна бир мисол сифатида Навой кон-металлургия комбинатида ноёб ме-таллар қазиб олишда ишлатиладиган чикинди чиқариш қувурларини қайта таъ-мирлаш харажати 4,7 баробар қисқарга-нини келтириш мумкин. Айтиш лозимки, қондан чиқадиган чикинди ҳар қандай қувурнинг емирилишига олиб келади. Бу эса катта харажати талаб қилади. Қола-верса, алмаштириш пайтида иш жараё-нини тўхтатиб туришга тўри келади. Янги технология эса бу каби муаммоларга ечим бўлади ва қувурлар умрини узайтиради.

Жамоада 70 нафарга яқин ишчи-хо-дим фаолият юритади. Улар ирригация соҳасида етарлича тажрибага, билим ва салоҳиятга эга, аксарияти хорижий дав-латларда малака ошириб келмоқда.

Ҳар бир соҳага инновацион тех-нологиялар татбиқ этишнинг жадаллашу-ви замонага ҳамоханг қадам ташлаш-га интилаётган ҳар бир корхона учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очаверади.

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЁРУФ ЮЗИ ВА ВИЖДОНИ КЎЗГУСИ

Шаҳрибону ИМОВА,
“Гулистон” ва “Театр”
журналлари бирлашган
таҳририяти бош муҳаррири
ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

“Худудимизни ёшлар маҳалласи дейишади”

Пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида “Янгиҳаёт” МФЙ ташкил топганига ҳали кўп бўлмади. Шунга қарамай, бу ерда амалга оширилаётган ибратли ишлар билан ўзига хос мактаб яратилмоқда.

— Давлатимиз томонидан ипотека кредити асосида имтиёзли тартибда берилган ушбу уйлارда яшаш учун барча шaroит бор, — дейди маҳалла раиси Жасур Сууюнов. — Кўпчилик худудимиз-



ни қисқартириш масалалари бўйича ҳо-ким ёрдамчилари иш бошлади.

“Янгиҳаёт” МФЙда шу лавозимга тайинланган Олимжон Аҳмедов қисқа

қарай бошлагандим. Инсон учун кун давомида, тўрт девор ичида вақт ўтишини кўтиб яшашдан оғирроқ жазо бўлмаса керак. Ота-онамнинг бизни боқиш учун куну тун ишлашини кўриб, ака-ука кўнглимиз эзиларди. Давлатимиз томонидан биз каби ногиронларга қаратилган кўмак юрагимизда умид учқунларини алангалатди, — дейди имконияти чекланган ака-ука Абдулазиз ва Абулқасим Усмоновлар.

— Маҳалла кўмаги билан тикув машини-лик бўлдим. Уйимиз атрофидан тикув цехи очиб беришди. Бундан ташқари, 3 ойлик тикувчилик курсида ўқиб, касб сирларини мукаммал ўзлаштирдим, — дейди уларнинг онаси Марям Усмонова.

Маҳаллани сайр этар экансиз, мўъжазгина, ранг-баранг гуллар билан безатилган, болаларни ўзига жалб этадиган хусусий мактабгача таълим ташкилотига кўзингиз тушади.

Бу бoчанинг эгаси бир неча йил аввал ҳаётида қийналиб, тушқунликка ту-



Ҳаним Йўлдошев олган суратлар.

ЯНГИ ҲАЁТ ШУКУҲИ

ҳар биримизни эзгу мақсадлар сари чорламоқда

ни “ёшлар маҳалласи”, дейди. Сабаби, маҳалламизда ёш оилалар, кам таъминланган, ногирон ва боқувчисини йўқотганлар, ҳарбийлар, Ёшлар иттифоқи фаоллари истиқомат қилади. Донолар “Қариси бор уйнинг париси бор”, дейди. Қариялар бор жойда фойда бўлади. Маҳалламизда кексалар сони кам бўлса-да, ҳар ишда уларнинг маслаҳати, кўмаги сезилиб туради. Оилада юзага келадиган баҳс-мунозаралар, никоҳдан ажралишлар бугунги кунда жамиятимизда жиддий эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар. Бу каби муаммоларни бартараф этишда ҳаммаслаб бўлиб келаётган маҳалламиз кексалари бизга катта маънавий куч бағишлайди.

Ҳоким ёрдамчиси фаоллик кўрсатмоқда

Президентимиз ташаббуси билан 2022 йил 1 январдан ҳар бир маҳаллада тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллик-

фурсатда фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашди, кам таъминланган оила аъзоларини тикувчилик, компьютер саводхонлиги йўналиши бўйича 3 ойлик ўқув курсига жўнатди.

— Бу ҳали бошланиши, келгусида қилишимиз керак бўлган режалар анчагина. Уларни сидқидилдан бажариб, худуд аҳолисини рози қилиш асосий вазифамиздан бири, — дейди О.Аҳмедов.

“Юрагимда умид учқунлари порлади”

Маҳалладаги кўп қаватли 40 та уйда 5 минг 300 нафардан ортқ киши яшайди. 2020 йилдан илк бор аҳоли ўртасида камбағаллик борлиги очик тан оlinиб, бу муаммо билан жиддий шуғулланиш бошланди. Аввало, эҳтиёжманд аҳолини аниқлашнинг янги тизими яратилиб, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жорий этилди.

— Тўғриси, ҳаётга бўлган ишончим сўниб, барча нарсаси совуққонлик билан

шиб қолган ёлғиз она Дилором Ҳайтова, деса биров ишонмайди.

...Дилором опа ёлғиз боши билан 2 фарзандини боқиб, катта қилаётган эди. Давлат томонидан кредит ажратилганлигини эшитиб, маҳалла идорасига чиқди. Қисқа фурсат ичида унинг ариза-си инobatга oлиниб, кредит ажратилди. Дилором опа бу кўмакдан мамнун бўлиб, ўзи анчадан буюн уйлаб юрган режасини амалга оширишга киришди.

— Маҳалланинг кўмаги билан 33 миллион сўм кредит ажратилди. 15 болага мўлжалланган барча керакли жиҳозларни олдик, — дейди хусусий боғча директори Д.Ҳайтова. — Энг муҳими, ўзимга ўхшаб “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган 5 хотин-қизни ҳам доимий ишга қўйдик.

Худуддаги имкониятлар

Маҳалла худудида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида спорт мажмуаси, соғломлаштириш маркази, гузаллик салони, озиқ-овқат дўконлари, болалар учун қишқи ва ёғзи ўйингоҳлар, турли тилларга ихтисослашган ўқув курслари халқ хизматида.

— Болаларим, набираларим билан бирга яшайман. Ёшим 70 да бўлса ҳам спорт билан шуғулланаман. Эрта тонгдан спорт майдончасида бадантарбия машқларини бажараман. Яратилган имкониятлардан хурсандимиз. Маҳалла раисимиз билан суҳбатлашиб, келгусида оталар чойхонаси, масжид қуришни режалаштирдик, — дейди Эшонкул бобо.

Болажонлар қувончи бизнинг қувончимиз

Янги ҳаёт маҳалласида болалар кўпчилиги сабаб худудга алоҳида мактабгача таълим ташкилоти зарур эди. Ота-оналар фарзандларини узоқдаги боғчага олиб боришига мажбур эди. Яқинда маҳаллада “Алпомиш” номли мактаб-



гача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

— Масканнинг очилиш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Бу воқеани худуд ёшу қариси катта қувонч билан қарши олди. Уша пайтдаги болаларнинг хурсандлигини кўрганнгизда эди, — дейди “Янгиҳаёт” МФЙ Масъул ходими Муқаддас Саримсқова.

Замон талабларига мос тарзда қурилган бинода болаларни мактабга тайёрлаш, таълим олиши учун барча имкониятлар етарли. 385 ўринга мўлжалланган ушбу муассасада ўзбек ва рус тилларида таълим-тарбия берилади. Болаларнинг соғлом ўсиши учун барча шaroит муҳайё.

— Президентимиз айтгандек, 2024 йил якунига қадар 6 ёшли болалар мактабгача тайёрлов тизими билан тўлиқ қамраб олинса, 7 ёшгача бўлган бирорта ҳам фарзандимиз мактабга чиққунга қадар эътиборсиз қолмайди, — дейди

МТТ директори Нилуфар Худойкулова.

— Қилиниши керак бўлган ишларимиз жуда кўп. Фарзандлари келажagini бизга ишониб топширган ота-оналар олдида мажбуриятимиз катта. Ҳар бир бола истеъдод эгаси. Уларнинг беғубор қалби, билим олишга бўлган интилишини кўриб, янги Ўзбекистон болалари-да, деймиз. Улар кун келиб Ватан равнақи учун ўз хиссасини қўшадиган фарзанд бўлишига ишонаман.

Маҳаллани кезиб, хонадонлар ортида қад ростлаган мактабга кўзимиз тушди. Инсон қайси касбни танлашидан қатъи назар, ўқимай, ўрганмай, ўзлигини англаб етмай туриб қамолот пиллапоясига чиқishi мушкул. Ота-она учун дунёда энг азизи, аввало, ўз фарзанди. Аммо ҳам-манинг ўғил-қизини, миллат фарзандларини бир хил меҳр-ардоқ билан суя оладиган бир зот бор. Бу — муаллим, устоз. Устозларни кўпинча қўёшга тенглаштиришади. Сабаби, қўёш ўз нурла-

САЛОМАТЛИК



Наврўз РИЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси

Чиндан, биз авваллари саломатликка эътиборсиз қарардик. Бу муаммо нафақат ўзимиз ва хонадонимизда, балки жамиятда кўзга ташланиб қолганди. Юртимиз учун муҳим вазифа — тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳам анчагина паст эди. Яқин йилларгача бу борадаги аҳвол талаб даражасида эмасди. Айрим тиббиёт муассасалари бинолари эскирган, аҳолига зарур тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли шaroитлар йўқ эди. Шу боис, Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ ислохотларни айнаи шу оғрикли нуктадан бошлади.

Тиббиёт мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган ондан тизимда чўқур ислохотларга киришилди. Бу борада юртимиз раҳбарининг қатор фармон

ХАЛҚ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЎБИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҲУЖЖАТ

Тезкор замонда яшаймиз. Ҳар куни нимагадир улгуриб қолиш ҳаракатидамиз. Рўзгор ташвишида елиб-югурамиз. Баъзан саломатлигимизга эътибор бермаймиз. Гўё соғлигимиз бир умрга қафолатлангандек. Аммо бирор жойимиз оғриб қолса борми, саломатлигимиздан ташвишга тушиб қоламиз. Айниқса, коронавирус инфекцияси билан яшаётган сўнгги йилларда саломатлигимиз қадрига янада кўпроқ ета бошладик.

ва қарорлари қабул қилиниб, Ўзбекистонда тиббиётни ривожланган давлатлардаги каби энг илғор инновацион тараққиётга эришиш борасида жиддий қадамлар ташланди.

Ишлар энг қуйидан — аҳоли саломатлигини сақлаш ҳамда тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шaroитлар яратишдан бошланди. Дастлабки қадамлар катта мақсадларга уланди. Улар тиббиётнинг барча йўналишларида сифатли ва замонавий хизмат кўрсатишни таъминлаш билан уйғунлашди.

Биргина мисол. Бугун жароҳатли амалиёт талаб этмайдиган юрак-қон томир, ошқозон-ичак, нафас йўллари, тери касалликларига ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация жараёнилари билан бирга, шу вақтгача жазм этилмаган ўта мураккаб ва ноёб операциялар ўзимизда муваффақиятли ўтказилмоқда. Бунинг исботини айнаи вақтда В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида буйрак кўчириб ўтказиш бўйича операциялар муваффақиятли бажариб келинаётгани мисолида ҳам яқол кўриш мумкин.

Республика гематология ва қон қўйиш илмий текшириш институти олимлари жаҳон тиббиётининг илғор йўналиши — ўзак ҳужайра трансплантациясини ўзлаштириб, ҳозир уни муваффақиятли йўлга қўйгани ҳам катта ютуқларимиздан

бири. Аҳамиятлиси, сифатли тиббий хизмат республикамизнинг барча худудларига бирдек кириб бориши. Кўз микрохирургияси, урология, травматология, кўкрак ва қорин бўлиши йўналишларидаги жароҳатли муолажалари аввалгидек фақат пойтахтимизда эмас, балки худудларнинг ўзида амалга оширилмоқда.

Хўш, бир неча йил олдин бундай натижаларни тасаввур қилиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Буларнинг барчаси сўнгги йилларда юртимизда бошланган халқни рози қилиш, одамлар бахтли ва фаровон яшаш учун барча шaroитларни яратиш тамойили махсулидир.

Эътибор беринг, бундан беш-олти йил муқаддам кўпчилик фуқароларимиз имтиёзли йўлланма (ордер) асосида даволаниш учун не-не қийинчиликларга дуч келарди. Кўплаб юртдошларимиз ордер олиш учун мутасадди вазирлиқлар эшиги олдида қўнлаб, оилаб навбатда турарди. Сабаби, уша кезларда ордер ажратишда шаффофлиқни таъминлаш, тушунмовчиликларнинг олдини олиш борасида қатор муаммолар бўлган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва тегишли қарорлари билан буларга чек қўйилди. Энди ихтисослашган тиббий муассасаларга бериладиган ордерларни олишда таниш-билишчилик кетмайди, коррупциянинг илдизи қирқилади. Инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш асосий мезонга айланди.

Тизимда йўл қўйилган камчиликлар, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган долзарб масалалар, тиббиёт муассасалари фаолиятига оид тўқланиб қолган муаммоларни бартараф этишга Ҳаракатлар стратегияси доирасида катта аҳамият қаратилди. Бундай кенг қамровли чора-тадбирлар туфайли аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси узаймоқда. Оналар ва болалар аниқлашнинг олдини олиш, касалликларни бeрвaкt ўқитиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда сезиларли натижаларга эришилаётганига бевосита гувоҳ бўляпмиз. Айниқса, коронавирус пандемияси даврида юртимиз тиббиётида инсон омили бош мезонга айланди. Касаллиқни бошидан ўтказиб, оғир дамларда беғул ва сифатли тиббий хизматдан фойдаланаётган юртдошларимиз қалбиди миннатдорлик, хотиржамлик, эртанги кунга ишонч туйғуларни юксалди.

Бу ислохотлар ҳали кўзланган чўққининг бир қисми, ҳолос. Президентимизнинг жорий йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб беради, десак муболаға бўлмайди. Сабаби, мазкур ҳужжат билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар ўрин олган.

Хусусан, худудларда бирламчи тиббий хизмат “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйилиб, 105 та оилавий шифокорлик пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этилади.

Марказлашган лаборатория, стерилизация ва юқори технологик текширувлар тизимини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш дастурини 2022-2023 йилларга амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегиясини (e-health-2026) амалга ошириш белгиланган.

Қувонарли жиҳати, давлат тиббиёт муассасаларидаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш тизимини яратиш, бу бўйича алоҳида корхона ва унинг 13 та худудий бўлимини ташкил этиш, давлат бюджетидан дори-дармон ва тиббий буюмларга ажратилган маблағлар 3 баробар оширилишини таъминлашдек қатор мақсад-вазифалар белгиланганлиги, уларнинг бари инсон қадрини улуғлаш, аҳоли саломатлигини мустақамлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлардир.

Агар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида баён этилган гоъларнинг мазмун-моҳиятини чўқур таҳлил этадиган бўлсак, унда фуқаролар учун муносиб турмуш шaroити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиби бериш бўйича жуда муҳим амалий ташаббуслар илгари сурилганини кўрамиз. Шу жиҳатдан, ушбу ҳужжатнинг тағ замирида бизнинг манфаатларимиз, ҳуқуқларимиз, шу билан бирга, бурчларимиз мутасамма, дея барарла айта оламиз.

Ҳеч шубҳасиз, Тараққиёт стратегиясининг ҳар бир бандида келтирилган вазифалар тизимда катта ўзгаришларга йўл очади ва, асосийси, келгуси беш йиллик ривожланишимизда ушбу ҳужжат муҳим маёқ бўлади. Эътиборлиси, фармоннинг бошидан охиригача инсонпарварлик руҳи, инсон қадрини улуғлаш тамойили бош мезон этиб белгиланган. Бошқача айтганда, 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат Тараққиёт стратегияси ҳар бир инсоннинг бахтли-саодатли яшаш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш, ҳаётий манфаатлари, орзу-умидлари рўёбга чиқиб, турмуш фаровонлиги янада яхшиланиши учун асосий дастурдир.



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Тошкент вилояти нафақат кулай географик жойлашуви, сўлим табиати, пурвиқор тоғлари, шунингдек, маданий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Бу ерда “Шоабдумалик ота”, “Шайх Умар Вали Боғистоний”, “Занги ота”, “Йик ота” зиёратгоҳлари, “Гумбаз бобо” мақбараси, “Қайнарғумбаз” сардобаси, “Шохрухия” шаҳристони каби тарихий қадамжолар борки, улар вилоятнинг буюк ўтмиши, кўҳна ва бой маданиятидан сўзлайди. Бу эса ҳудудда зиёрат туризмини ривожлантириш учун кенг имконият яратади.

КЎРКАМ ҚИЁФА КАСБ ЭТАЁТГАН МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

Тошкент вилоятида зиёрат туризми ривожига асос бўлмоқда

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Замонавий инфратузилма — янгича ёндашув

Пойтахт вилояти инсоният илмий-маданий тамаддунига хисса қўшган Ўзбекистоннинг ийрик маданий минтақаларидан бири. Қадимдан у Чоқ давлати сифатида дунёга маълуми машҳур бўлган, илм-фан ва маданият, давлатчилик ривожланган.

Вилоятдаги айрим қоятош суратлар Марказий Осиёдаги петроглифлар орасида сюжетли ва композицияси жиҳатидан бетакрор ҳисобланади. Ҳужакент, Қорақиясой, Бошқизилсой, Чотқол, Оҳангарон ва бошқа жойлардан топилган петроглифлар ўзига хослиги билан тадқиқотчилардан ташқари таширф бюрувчиларда ҳам катта қизиқиш уюғотмоқда.

Тошкент вилояти ҳудудида 828 та моддий маданий мерос объекти бўлиб, шундан 588 таси археология, 7 таси архитектура, 74 таси монументал ёдгорлик, 159 таси диққатга сазовор жойлардир. Шунингдек, 223 таси маҳаллий ва 605 таси республика аҳамиятидаги объект сирасига киради.

Айтиш жоизки, 2016-2021 йиллар давомида 18 та маданий мерос объектида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилди. Ушбу мақсадлар учун жами 18 миллиард 582 миллион сўм маблағ ажратилди.

Юқори Чирчиқ туманидаги “Йик ота” зиёратгоҳи яқин вақтларгача жуда хароб ҳолатда эди. Зиёратгоҳ 2020 йилда туман ҳокимлиги ташаббуси билан тўлиқ таъмирланиб, обод масканга айлантирилди. Жумладан, мажмуада намозхона, кутубхона қурилди, зиёратчилар учун барча шароитлар яратилди.

Мақбара ўтмиш ва бугунги кун бунёдкорлигини ўзиди уйғунлаштиргани билан эътиборни тортади. Ҳовлилар кенг ва шинам. Намозхонаси эса ёруғ ва чароғон. Бир сўз билан айтганда, ушбу маскан зиёратга келувчилар ва хорижий меҳмонлар учун замонавий сайёҳлик масканига айланган.

Президентимизнинг 2021 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Тошкент вилоятидаги тарихий обидаларнинг янада обод бўлиши ҳамда маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, 2021 йилда Оққўрғон туманида жойлашган “Шомирқор авлиё” зиёратгоҳи, Бекобод туманидаги “Бузрук бува” мақбараси ва “Темиртаки ота” мажмуасида кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилди. Мақбаралар ва айвонлар барпо этилди. Зиёратгоҳлар ҳудуди ободонлаштирилди.

Бўстонлиқ туманидаги “Шайх Умар Вали Боғистоний” ва Паркент туманидаги “Заркент ота” зиёратгоҳларида айни пайтда таъмирлаш ва тиклаш ишлари, мақбаралар қурилиши давом этмоқда.

Шу билан бирга, 20 та моддий-маданий мерос объектига олиб борувчи йўл кўрсаткич белгилари ва 1 та электрон ҳисобга оладиган турникет, “Шоабдумалик ота”, “Зангиота” зиёратгоҳларида WI-FI нукталари ҳамда 20 дан ортиқ объектда муҳофаза белгилари ўрнатилди.

Шунингдек, 200 та моддий-маданий мерос объектини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш, рақамлаштирилган паспорти ва каталогини ишлаб чиқиш, уларнинг 200 тасининг



қўриқланадиган теғраларини белгилаш ва рақамлаштириш ишлари бажарилди.

Вилоятда нафақат мавжуд тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш ишларига, балки янги археологик ёдгорликларни излаб топишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўтган йили олиб борилган тадқиқотлар, изланишлар натижасида Паркент туманида “Патир тепа” ҳамда Оҳангарон туманида “Маржонтепа” маданий мерос объекти аниқланди.

Музейлар тарихдан сўзлайди

Музейлар — тарихдан гувоҳлик берувчи, ажодларимизнинг маънавий меросини намоён этувчи маскан. Улар ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиб, қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини кўчатиришга хизмат қилади. Қолаверса, музейлар муайян ҳудуд тарихи бўйича одамларда яхлит тасаввур уйғотади.

Шу нуктаи назардан Тошкент вилоятида жойлашган бундай масканларни замон талаблари асосида таъмирлаш ва фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятда Олмалик шаҳар ўлкашунослик музейи, Чирчиқ шаҳар тарихи музейи, Оққўрғон тумани тарих-ўлкашунослик музейи-мемориали, Ангрэн шаҳар тарихи музейи, Янгийўл шаҳар Усмон Юсупов мемориал уй-музейи фаолият юритади. Улардаги жами экспонатлар сони 85156 донга бўлиб, экспозицияга қўйилганлари 1743 донани ташкил этади. Музейларни замон талабларига мослаштириш, шу орқали таширф бюрувчилар сонини ошириш мақсадида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, ҳукуматнинг тегишли қарорига мувофиқ, 2018-2019 йиллар давомида 1 миллиард 200 миллион сўмлик давлат бюджетли маблағи ҳисобидан Чирчиқ шаҳар тарихи музейи мукаммал таъмирланди.

Ҳозирги кунда Оққўрғон тумани тарих-ўлкашунослик музейи-мемориалида реконструкция ишлари давом этмоқда. Тошкент тумани тарихи музейи янгидан ташкил этилиб, унинг биноси тўлиқ таъмирланди.

Ангрэн шаҳар тарихи музейи учун 2021-2023 йиллар давомида 9 миллиард 270 миллион сўмлик инвестиция дастури доирасида янги бино қурилиши белгиланган. Усмон Юсупов мемориал уй-музейида ҳам мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилиши, бунинг учун давлат бюджетидан 800 миллион сўмлик маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Илк зиёрат туризми кластери

Тошкент вилоятидаги “Шохрухия”, “Қанқа”, “Сардоба”, “Оҳангарон”, “Қорихона” каби археология маданий мерос объектилари ҳамда “Зангиота” мажмуаси ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси марказининг Сирдарё-Фарғона коридори номзодномасига киритилиш ишларини якунлаш режалаштирилган.

Келгуси йилларда маданий мерос объектиларини рақамлаштириш, емирилиши ва ёнғиннинг олдини олувчи мосламалар, хусусан, 7 объектда турникетлар, 47 та объектда табиий таъсирларнинг олдини олувчи 157 та маркер, датчик, 47 та объектда эса 418 та хавфсизлик мосламалари ўрнатилди.

2022 йилда бюджет ва ҳоимийлик маблағлари асосида 16 та маданий мерос объектини асраб-авайлашга доир ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, музей ва унинг филиалларида мавзуга оид экспозициялар яратилади, уларга таширф бюрувчилар сонини ошириш мақсадида кўчма кўргазмалар сони оширилади.

Тошкент вилояти маданий мерос бошқармаси мамлакатимиздаги илк зиёрат туризми кластерини ташкил этиш гоясини илгари сурган эди. Ушбу туризм кластери 2022-2023 йилларда Оҳангарон туманида жойлашган “Шоабдумалик ота” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилади. Мазкур маҳаллада “Шоабдумалик ота” зиёратгоҳи жойлашган. Кластерни ташкил этиш учун Тошкент вилояти Маданий мерос бошқармасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ҳоимилар ҳисобидан 6,5 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

— Мазкур зиёрат туризми кластерини 2023 йилгача қуриб, ишга тушириш кўзда тутилган, — дейди Тошкент вилояти Маданий мерос бошқармаси бошлиғи Мансур Исроиллов. — Лойиҳа доирасида “очиқ осмон остидаги” музей, ёпиқ музей, вилоятдаги маданий мерос объектилари тўғрисида сайёҳларга уч тилда маълумот берадиган ҳамда сурдо таржимага эга ахборот маспахат маркази, ҳунармандлар шохобчаси, рассомлар ҳамда ҳунармандлар галереяси, суратхона, китоб расталари каби қатор туристик хизмат кўрсатиш объектилари бунёд этилади. Зиёрат туризми кластери ташкил этилиши билан вилоятда мавжуд барча археологик ёдгорликлар бўйича яхлит маълумотлар базаси шаклланади. Бу ерга келган маҳаллий ва хорижий сайёҳларга Тошкент вилоятида жойлашган тарихий обидалар ҳақида маълумот берилиши, уларнинг умумий тасаввур ҳосил қилишига хизмат қилади.

Ўрни келганда айтиш жоизки, ўтган йилги вилоятдаги маданий мерос объектиларига 116 минг 650 нафардан ортиқ маҳаллий ва хорижий сайёҳ таширф бўюрди. Зиёрат туризми кластерининг қурилиши билан ҳудуднинг туристик жозибадорлиги янада ортади.

— Тошкентта борсам, шаҳарга яқин ҳудудда жойлашган “Зангиота” мақбарасини, албатта зиёрат қиламан, деб ният қилганим, — дейди туркиялик турист, журналист-блогер Сердар Тункер. — Шукрчи, орзум ушалди. Бу зиёратгоҳ нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё, балки бутун ислом олами учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга табарруқ маскан ҳисобланади. Зангиота ҳақида тарихий китобларда ўқганимиз. Буюк бобокалонимиз жуда қўллаб аллоамаларга диний-маънавий устозлик қилган. Вафотидан сўнг у зотининг мазори нафақат маҳаллий, балки олис минтақалардан келадиган кишилар учун ҳам зиёратгоҳга айланган. Бугунги кунда мажмуа том маънода гузал ва обод масканга айланганига гувоҳ бўлдиқ. Бу ердаги ишчиотлар ўзаро уйғунлашиб, яхлит манзара касб этган. Мажмуада маҳаллий ва хорижий сайёҳларга барча шароитлар яратилган. Орасталик, сайиллик, анвойи гуллар ифори одамга ўзгача кайфият бағишлайди. Буларнинг барчаси мамлакатингизда буюк ажодлардан хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром, қадимий қадамжоларни обод этиш, зиёрат туризми ривожига қаратилаётган юксак эътибор намунасиدير.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда вилоятда маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш, улар жойлашган ҳудудда замонавий инфратузилма яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса тарихий обидаларни асраб-авайлаш, келажак авлодга асл ҳолида етказиш ҳамда Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини ошириш имконини бермоқда.

ЯШИЛ МАКОН

ДОВ-ДАРАХТЛАРНИНГ ФОЙДАСИ БИСЁР

ҳаводаги карбонат ангидрид газини кислородга айлантириб беради

Халқимиз азалдан табиатни асраб-авайлаган. Тупроқ, сув, ҳаво ва остонасини пок сақлашга интилган. “Бирни кессанг, ўрни эк”, деган мақол ҳам бежиз айтилмаган. Оилада янги фарзанд дунёга келса, унга атаб ниҳол экилган. Афсуски, mana шу эзгу одатлар бугун бироз унутилаётгандек. Аслида авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшашлари учун табиатга меҳр ва эътибор беришимиз, у билан уйғун бўлиб яшашимиз шарт.

**Абдулҳай ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идорасининг Намангандаги
вакили, вилоят бош имом-хатиби**

Жорий йил 2 февраль куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида табиатга нисбатан бўлаётган аёвсиз муносабат ва у келтириб чиқараётган экологик вазият атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, “Яшил макон” умуиммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, 1 мартдан бошлаб бутун мамлакат бўйлаб “Яшил йиллик” умуиммиллий тадбири бошланиши эълон қилинди.

Дарҳақиқат, шаҳар ва туманларимиз маркази фақат баланд иморатлари билан эмас, ўзига хос яшил табиати, манзараси билан ҳам гузал бўлиши керак. Экаётган дарахтларимиз ҳам эртанги авлодга қолдирадиган меросларимиздан бири. Наманганликлар азалдан боғу гулзорлар яратиш иштиғи билан яшайди. Гуллар шаҳри дея аталмиш бу дийрда турт фаслда ҳам етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар йўл бўйлари, бўш майдонлари, туризм объектиларини, қўп қаватли уйлар атрофини, томорқа истироҳат масканларини алвон чечакларга бурқаш, гул уруғларини сочиш, мевали ва манзарали



дарахтларни қўпайтириш билан банд. Улар бундай ишларнинг ҳадисини олган. Шунинг учунми, қўп йиллик тажрибаларига таяниб, “Яшил макон” лойиҳасининг биринчи босқинини жадаллик билан сифатли амалга оширишди.

Вилоятимиз кўржика кўрк қўшадиган умуиммиллий лойиҳага мувофиқ, Наманган ҳудудида 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумида 15 миллион 397 туپ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, бундан 2021 йил якунига қадар 5 миллион 774 минг туپ, 2022 йил баҳор ойлариди эса 9 миллион 623 минг туپ ўтказилиши кўзда тутилган. Вилоят бўйлаб “Долзарб қирқ кунлик”да жами 7 миллион 140 минг туپ дарахт кўчати экилди. Демак, Наманган 7 миллион дарахтга бойиди. Унга қўлламада яна 9 миллиондан зиёд дарахт қўшилди.

Қўшадаги кўчатларни ҳам ҳовлимиздагидек меҳр билан парварзлаш қилсак, осмонга бўй чўзади. Келгусида соясида ўтириб, дам оламиз. Уйимиз ва экинларимизни шамолдан ҳимоялайди, чанг-тўзонни ютади. Халқимизда оталарнинг фарзандига атаб дарахт экишдек ажойиб анъанаси қадрият даражасига қўтарилиб, авлоддан-авлодга ўтади.

Муқаддас китобимиз — Қуръони каримнинг икки юз эллик оятда табиат, уни асраб-авайлаш мавзулари зикр этилгани исломда бу масала қанчалик катта эътибор қаратилганини аңлатади. Бутун ер юзини Аллоҳ таоло инсонлар учун маскан қилиб берганига шукр қилишимиз керак. Деҳқончилик ва боғдорчилик ишларига тарғиб қилувчи муборак ҳадиси шарифлар ҳам қўп. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам “Қайси бир мусулмон бир кўчат экса ёки бир-бир зироат қилса, ундан қўшми, инсонми, ҳайвонми еса, албатта, унинг учун бундан садақа ҳосил бўлади”, деганлар. Демак, барчамиз

ўзимиз яшаб турган ҳовлимизга, маҳалламизга дарахт ва гул кўчатларини эксак, ундан кимдир манфаат олса, бундан бизга савоб етишини, бекиёс фазилатини тушуниб саъй-ҳаракат қилишимиз лозим.

Яна бир ҳадиси шарифда ёзилишича, “Экилган ҳар бир дарахтнинг айтаётган тасбеҳи ўша дарахтни эккан кишининг номаи аъмолига ёзалади”. Бошқа муқаддас манбада ўтказилган кўчатлар эгаси нафақат тирикчилигида, балки вафотидан кейин ҳам унга муттасил манфаат етказиб туриши, мабодо ўша дарахт бошқанинг мулкига айланган тақдирда ҳам соҳибининг ҳақиқа савоб ёзилавериши қайд этилган.

Ривоят қилинишича, бир одам ёши улуг саҳобий Абу Дардо розияллоху анху ёнғоқ кўчатини экаётганликларини қўриб: “Эй муҳтарам зот, қариб, улуг ёшга кирган бўлсангиз ҳам кўчат экасизми, ахир бу ёнғоқ фалон йилдан сўнг мевага киради-ку?” дебди. Абу Дардо розияллоху анху бунга жавобан: “Менга савоби етса бўлди. Мевасини бошқалар истеъмол қилаверсин”, деган эканлар.

Ҳа, дов-дарахтларнинг фойдали жиҳатлари бисёр. Ҳаводаги карбонат ангидрид газини кислородга айлантириб беради. Офтобдан саклайди. Шамол йўлига тўсиқ бўлиб, ер ости сувларини илдири билан тортиб олиб, бағрлари орқали мўътадил ҳаво муҳитини таъминлайди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қўлоч ёзган “Яшил макон” умуиммиллий лойиҳасининг илк босқичида Наманган туманининг “Етти бўлоқ” истироҳат боғида

вилоятдаги диний соҳа вакиллари, нурунийлар ҳамда “Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юрти талабалари иштирокида манзарали ва мевали дарахтлар кўчати экилиб, “Маърифат боғи” ташкил этилди. Боғнинг бардавом бўлишини Яратгандан сўраб, жонлиқ сўйилиб, уламолар томонидан дуо-фотихалар ўқилди. “Маърифат боғи”га 2 минг туپ мевали ҳамда манзарали ниҳол ўтказилди. Бу хайрли ишга бош бўлиш учун нурунийлар, “Кексақар маспахати” гуруҳлари аъзолари жалб этилган.

Танқидий-таҳлилий руҳда кечган юқоридаги видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари “Бугун кўчага ёки исталган жойга қаранг. Ҳама жойда одамлар ташлаб кетган чиқиндиларни кўрасиз. Биз она юртимизни муқаддас деймиз. Агар шу юрт, шу тупроқ биз учун муқаддас бўлса, нима учун уни тоза-озода сақламаймиз? Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бунга ёш авлод қалбиди она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин. Маҳаллада, кўчаларда чиқинди ташлаш кишини кўрганда “Бу ишингиз нотўғри бўлди”, дейдиган муҳитни шакллантиришимиз, одамларимизни бунга ўргатишимиз керак. Бу — ҳаммамизнинг ичимиз ва инсоний бурчимиздир” дея асосий эътиборни шахсий масъулиятга қаратди.

Зеро, суви ва тупроғи зар юртимизга ашиллиқ, боғ-роғ ва ўрмонлар ярашади. Ақждоғларимиз “таёк қадаси кўкарадиган” она еримизда дарахтзорларни қўпайтиришдек савобли амалларга жиддий аҳамият беришган. Азму шижоати юқори наманганликлар хайрли ишнинг биринчи босқичини муваффақиятли удаладилар. Яратилажак боғлар ва “яшил майдон”ларнинг олди яқин икки-уч йилда бўй кўрсатади. Чунки ният ҳолис, амал эзгу, иштиёқ баланд.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер мажмузида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 427.

85881 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғаффоров
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:51 Топирилди — 01:15